

Шеърият анжумани

Республикамизда Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси, Қозоқ Миллий маданий маркази мутахассислари билан ҳамкорлик ишлари йўлга кўйилган бўлиб, ўтган йиллар мобайнида таълим соҳасида бир қатор анжуманлар, илмий-амалий семинарлар ўtkазилди ва ўtkазиб келинмоқда. Таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактабларда қозоқ тили ва адабиёт фанларининг долзарб муаммоларига бағишлиланган ўtkазилган республика ва ҳудудий семинарлар шулар жумласидандир.

Жорий йилнинг 8-9 апрель кунлари Буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 680 йиллиги муносабати билан Республика қозоқ маданий маркази томонидан республикамиздаги “Аброр Хидоятов” номли драма театрида “Шеърият анжумани” ўtkазилди. Анжуманга Жанубий Қозоғистон Республикасидаги вилоят ўзбек драма театри санъат усталаридан Миркамол Заббархонов, Клара Шодибекова, Венера Нишонбоева, Савринисо Рўзиметова, Улугбек Носиров, Зарина Қодирметова, Жавлон Сайитов, Акбар Эрхоновлар ташриф буюрдилар. Шунингдек, қозоғистонлик шоирлардан, Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоир, Мирпўлат Мирзаев, Ўзбекистонда яшаб ижод қилиётган қозоқ шоири, ёзувчи, академик Қалдибек Сейданов, шоир Абдулла Рустамов, Республика қозоқ маданий маркази раиси Серикбай Усеновлар иштирок этдилар.

“Шеърият анжумани”нинг биринчи кунида юқорида номлари қайд этилган шоир ва ёзувчилар, санъат усталари томонидан улуғ бобокалонимиз, буюк соҳибқирон Амир Темур ҳакида, Ватан, республикамиз мустақиллигига бағишлиланган шеърлар ўқилди. Тадбирни Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоир олиб бориб, Амир Темурнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ қизиқарли маълумотларни ўзининг мазмунли шеърлари билан уйғунлаштириб олиб борди. Сўнг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Мирпўлат Мирзаев, шоир Абдулла Рустамов, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ўзбек ва қозоқ филологияси кафедраси талабаларининг шеърлари тингланди.

Анжуманининг иккинчи куни Жанубий Қозоғистон вилоят ўзбек драма театрида драматург А.Ўразбековнинг биринчи бор ўзбек тилига таржима қилиниб саҳналаштирилган “Ёлғиз олма дарахти” асари Жанубий Қозоғистон вилояти ўзбек драма театри санъаткорлари иштироқида намойиш этилди. Драмада фарзандларини отасиз, ёлғиз тарбия қилган онанинг тақдири, ота ўрнини босиш осон кечмаслиги ҳикоя қилинган бўлиб, болаликдан ногирон кенжা ўғил Мақсад ўз жигарларининг муросасиз тортишувларини кўтара

олмай, жонига қасд қилиши манзаралари жуда таъсирли баён қилинган. Театр тугагач, драматург А.Ўразбеков ҳамда ижрочи санъаткорлар билан ўзбек драма театри санъаткорлари ўзаро тажриба алмашишга муваффақ бўлдилар. Улар ўз чиқишлирида бундай тадбирларнинг мунтазам ўтказиб турилиши икки республика ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ишларини янада мустаҳкамлашга ёрдам беришини таъкидлаб ўтдилар. Тадбир сўнгида Ўзбекистон ва Қозогистон Республикаларидан қатнашган меҳмонларга ҳар икки республиканинг вакиллари томонидан эсдалик совғалари тақдим этилди.

Г.Нишонова, РТМ Филология

фанлари бўлими Бош методисти